ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ АНДИЖОН ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ
АНДИЖАНСКИЙ ОБЛАСТНОЙ КЕНГАШ НАРОДНЫХ ДЕПУТАТОВ

ҚАРОР – РЕШЕНИЕ

Андижон шахри

"28" декабрь 2020 й. № 73/18-6 - сонли

2021 йил учун Андижон вилояти маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг "2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги Қонунига (кейинги ўринларда Қонун деб аталади) мувофиқ, 2021 йилда Халқ депутатлари Кенгашларини маҳаллий бюджетларни бошқаришда, хусусан маҳаллий бюджет харажатларини ҳудудий бюджет маблағлари таксимловчилар кесимида тасдиқлаш ва уларнинг Кенгаш олдидаги ҳисобдорлигини белгилаш бўйича ваколатлари кенгайтирилди.

Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 6, 24-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 27, 99-моддалари ва Ўзбекистон Республикасининг "2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги Қонунига асосан, 2021 йил учун вилоят маҳаллий бюджетини кабул килиш бўйича Халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг "2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ, 2021 йилги Андижон вилояти (кейинги ўринларда Вилоят деб аталади) маҳаллий бюджети даромадлари 2 352,2 млрд.сўм, харажатлари 3 228.8 млрд.сўм миқдорида прогноз килинганлиги, вилоят маҳаллий бюджетига Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдори 876,6 млрд.сўм миқдорида тасдикланганлиги маълумот учун кабул килинсин.

2. Қонунга асосан 2021 йилда:

а) **Солиқларнинг қуйидаги турлари туманлар ва шаҳарлар бюджетларига тўлиқ ҳажмда ўтказилади:**

– жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиги;

– жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи;

– жисмоний шахсларга тегишли мол-мулкни ижарага беришдан оладиган йиллик даромади тўғрисидаги декларацияга асосан тўлайдиган, шунингдек якка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;

– сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, бундан электр станциялари томонидан тўланадиган солиқ мустасно;

– қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ.

б) Вилоятнинг вилоят бюджетига қуйидаги солиқ турлари ва бошқа мажбурий тўловлар тўлиғича ўтказилади:

– юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиғи;

– юридик шахслардан олинадиган ер солиғи;

– электр станциялари томонидан тўланадиган сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;

– бензиннинг, дизель ёқилғисини ва газни якуний истеъмолчиларга реализация қилишдаги акциз солиғи;

– айланмадан олинадиган солиқ;

– қонунчиликда белгиланган миқдорлардаги давлат божлари (патент божларидан ва лицензиялар берганлик учун давлат божларидан ташқари);

– қонунчиликда белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ундириладиган жарималар;

– айрим турдаги товарларнинг чакана савдосига доир ҳуқуқ учун йиғимлар;

– қонунчиликда белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ундириладиган бошқа йиғимлар (божхона органлари томонидан ундириладиган йиғимлар ва ғилдиракли транспорт воситалари, ўзиюрар машиналар ва уларнинг тиркамалари учун ундириладиган утилизация йиғимидан ташқари);

– автотранспорт воситаларини сотиб олганлик ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинчалик олиб кирганлик учун йиғим;

– қонунчиликда белгиланган миқдорларда давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни реализация қилишдан тушган тушумлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг улуши бўйича дивидендлар (даромадлар) ва ажратмалар;

– давлат активларини жойлаштиришдан, фойдаланишга (ижарага) беришдан ва сотишдан қонунчиликда белгиланган нормативлар бўйича олинган даромадлар;

– мобил алоқа хизматлари ва алкоголь маҳсулоти, шу жумладан пиво учун акциз солиғи бўйича тушумлар тегишинча 2020 йил 1 июль ҳолатига кўра вилоят аҳолиси сонининг республика аҳолиси сонидаги улушига мувофиқ.

Шу билан бирга, вилоятнинг вилоят бюджетига жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи (жисмоний шахсларга тегишли мол-мулкни ижарага беришдан оладиган йиллик даромади тўғрисидаги декларацияга асосан

тўлайдиган, шунингдек якка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи) ҳамда юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи (Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори билан тасдикланадиган рўйхатга мувофик йирик солик тўловчилар, Ўзбекистон Республикасида доимий фаолият олиб борувчи муассаса оркали фаолият юритувчи Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан, шунингдек норезидентларнинг тўлов манбаида ушлаб колинадиган даромадларидан тўланадиган фойда солигидан ташкари) 100 фоиз миқдордаги ўтказилиши маълумот учун кабул килинсин.

3. Ҳукуматимиз томонидан кабул қилинган карорлар ижроси борасида вилоят маҳаллий бюджетларининг харажатлар тизимида қуйидаги ўзгартиришлар киритилди ҳамда молиялаштириш тартиби қуйидагича белгиланди:

а) Вилоят маҳаллий бюджетидан маблағ олувчи Жисмоний тарбия ва спорт бошкармасининг қуйидаги ташкилотлари:

– Андижон Олимпия захиралари спорт коллежи Республика бюджетидан;

– Биринчи ҳамда иккинчи болалар-ўсмирлар спорт мактаблари Андижон шаҳар бюджетидан молиялаштирилади.

б) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Пилдачилик ва қоракўлчиликни ривожлантириш кўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги ПҚ-4817-сонли қарори ижроси борасида Андижон вилоятида ташкил этилган ҳудудий бошкармани сақлаб туриш билан боғлиқ харажатлар вилоят бюджетидан молиялаштирилади.

в) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 октябрдаги "Соғлом турмуш тарзини кенг татбик этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги ПФ-6099-сонли фармони ижроси борасида вилоятнинг шаҳарлар ва туманлар "Жисмоний тарбия ва спорт" бўлимларига юридик макам берилсин ҳамда бўлимларининг сақлаб турини билан боғлиқ харажатлар тегишли маҳаллий бюджетларидан молиялаштирилади.

г) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати Кенгашининг 2020 йил 11 декабрдаги КҚ-161-IV-сонли қарорига асосан вилоят, шаҳар ва туман халк депутатлари Кенгашлари котибиятлари ташкил этилсин ҳамда уларни сақлаш харажатлари белгиланган тартибда тегишли вилоят, шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларидан молиялаштирилади.

4. 2021 йилги вилоятнинг ялпи ҳудудий маҳсулот бўйича прогноз кўрсаткичлари 1-иловага, 2021 йил учун вилоят маҳаллий бюджети даромадлар прогноз кўрсаткичлари 2-иловага мувофик маълумот учун кабул килинганлиги инобатга олинсин.

5. Андижон вилояти харажатларининг 2021 йил учун асосий

кўрсаткичларининг соҳалар кесимидаги чекланган миқдорлари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Туманлар ва шаҳарлар бюджетларига умумдавлат солиқларидан ажратмалар меъёрлари 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин. Бунда, ажратма меъёрлари бўйича вилоят маҳаллий бюджети билан туман ва шаҳарлар маҳаллий бюджетларининг тақсимотини ўрнатилган тартибда вилоят Газначилик бошқармаси ва унинг бўлинмалари томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

Қонуннинг 12-моддаси тўртинчи қисмида халқ депутатлари вилоят Кенгашларига берилган ваколатга кўра, маҳаллий ҳокимликларни кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш бўйича маъсулиятини ошириш орқали маҳаллий бюджетлар даромадлари базасини кенгайтириш ва мустаҳкамлашга бўлган манфаатдорлигини кучайтириш мақсадида:

- айланмадан олинадиган солиқ ва давлат активларини ижарага беришдан тушумлар тўлиқлигича туманлар ва шаҳарлар маҳаллий бюджетларига ўтказилаётганлиги;

- мобил алоқа хизматлари ва алкоголь маҳсулоти, шу жумладан пиво учун акциз солиғи бўйича тушумлар тегишинча 2020 йил 1 июль ҳолатига кўра туманлар ва шаҳарлар аҳолиси сонининг вилоят аҳолиси сонидаги улушига мувофиқ туманлар ва шаҳарлар маҳаллий бюджетларига ўтказилаётганлиги;

- жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи вилоят бюджети ҳамда шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетлари ўртасида 75/25 нисбатда тақсимланиши маълумот учун қабул қилинсин.

7. 2021 йил учун туманлар ва шаҳарлар бюджетлари даромадлар ва харажатлар прогноз кўрсаткичлари 5-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

8. Туманлар ва шаҳарлар бюджетларига ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорлари 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда, тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини туман ва шаҳар маҳаллий бюджетлари даромадлари прогнози ижросидан қатъий назар камайтиришга йўл қўйилмаслиги белгилансин.

9. 2021 йил учун Вилоятнинг вилоятбюджети ҳамда шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари захира жамғармаси ҳажмлари **31,97 млрд.сўм** миқдорида белгилансин.

Вилоят ҳокимлиги ҳамда туман ва шаҳар ҳокимликлари Захира жамғармалари маблағларини Вилоятнинг вилоят бюджетида ҳамда туманлар ва шаҳарлар бюджетларида кўзда тутилмаган, кечиктириб бўлмайдиган харажатларни, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий бекарорлик юзага келган вазиятларда амалга оширилиши зарур бўлган тадбирларни молиялаштириш учун ажратилишини таъминлансин.

10. Вилоятнинг вилоят бюджети, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг қўшимча манбаларидан фойдаланиш тўғрисидаги карорлар тегишли равишда халқ депутатлари вилоят, туманлар ва шаҳарлар Кенгашлари томонидан вилоят, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг таклифларига асосан биринчи навбатда ижтимоий соҳа муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтириш мақсадида қабул қилинади.

Туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари туманлар ва шаҳарлар бюджетлари қўшимча манбаларининг камида 10 фоизини жамоатчилик фикри асосида шаклантириладиган тадбирларни молиялаштиришга йўналтиради.

11. Туман ва шаҳар ҳокимликлари, чораклар якуни бўйича мазкур қарорнинг 5-иловасида келтирилган даромадларнинг прогноз кўрсаткичлари ҳокимликларнинг фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда 5 фоиздан ортиқ миқдорга бажарилмаса ва молия йили охиригача ушбу маблағларнинг тушиш эҳтимоли бўлмаса, Вилоят ҳокимлигига харажатларни мақбуллаштириш юзасидан таклифлари билан бирга киритилган мурожаатига асосан тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини ошириш ёки харажатларни мақбуллаштириш таклифларини киритади.

Вилоят ҳокимлиги, Қонуннинг 6-иловасида кўрсатилган прогноз кўрсаткичлари маҳаллий ҳокимиятларнинг фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда **5 фоиздан** ортиқ миқдорга бажарилмаса ва молия йили охиригача ушбу маблағларнинг тушиш эҳтимоли бўлмаса, харажатларни мақбуллаштириш юзасидан таклифлар билан бирга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини ошириш юзасидан Вилоят Кенгаши мурожаатини тайёрласин.

12. Вилоят, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари ташаббуси билан амалга ошириладиган тадбирлар учун талаб этиладиган маблағлар тегишлилиги бўйича ушбу маҳаллий бюджетларнинг ижроси давомида шаклланган қўшимча манба ҳисобидан амалга оширилиши қатъий белгилаб қўйилсин.

13. Андижон вилоятининг вилоят бюджетида ҳамда шаҳарлар ва туманлар маҳаллий бюджетларда шаклланган қўшимча манбалар ҳисобидан харид қилинган товарлар ва хизматлар, қурилиш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари олиб борилаётган объектлар рўйхати, шунингдек, қурилиш таъмирлаш ишларининг молиялаштирилиши тўғрисидаги маълумотлар ҳар чорак якунига кўра, кейинчи чорак биринчи ойининг 10 санасига қадар тегишли ҳокимликларнинг расмий веб сайтларига мажбурий тартибда жойлаштириб борилсин.

14. Вилоят, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари:

тегишли бюджетларни биринчи навбатда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат ва дори-дармон ва коммунал хизматлар харажатларининг режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантирсин.

15. Вазирлик идораларининг шунингдек, вилоят ташкилоти, шаҳар ва туманларидаги ўрганиш бўйича тузилган йўл хариталари ҳамда йиғилиш

бағлари билан маҳаллий бюджетларнинг харажатларига ўзгартириш киритилишига йўл қўйилмайди.

16. Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари бюджет даромадлари ва харажатларининг кўрсаткичларини бажарилишини таъминлаш, солиқ базасини кенгайтириш ҳамда иқтисодий салоҳиятини ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриш, бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиши устидан қатъий назоратни ўрнатиши учун тегишли Кенгашларга маълумот киритсин.

17. Вилоят ҳокимлиги Қонунда белгиланган айрим солиқлар ва тўлов ставкалари, солиқ солиш тартиблари ҳамда бошқа маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ёритилишини таъминласин.

18. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари доимий комиссияси ҳамда вилоят ҳокимлиги зиммасига юклатилсин.

Кенгаш раиси **Ш.Абдурахманов**